

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН КАПИТАЛ ОҚИМИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Хожиматов Режавали Хамидович

ТДИУ катта ўқитувчиси

Email: rxojimatov16@gmail.com

Аннотация: Мақолада, мамлакатни ижтимоий иқтисодий юксалиши учун асосий омил ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозибадорлиги ва уни баҳолаш мезонлари зарурлигини назарий асослари ёритилган. Бу ўз навбатида эркин инвестицион капитал оқимини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги, унинг хорижда ва мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолати ёритиб берилган.

Аннотация: В статье раскрыто роль и теории свободно экономического зона и его прозрачности и его оценки, объективной необходимости инвестиционный денежной поток для развития экономики. А также всё это определено необходимые факторы для обеспечения поток инвестиционного капитала и его анализы и состояние национального и зарубежного страны.

Abstract: The article revealed the theory of the free economic zone and its transparency and its assessment, the objective necessity of an investment cash flow for the development of the economy. And all this is determined by the necessary factors to ensure the flow of investment capital and its analysis and the state of the national and foreign countries.

Калим сўзлар: Инвестиция, инвестицион жозибадорлик, ИСОП, эркин иқтисодий зона, капитал оқим, инвестицион оқимга эга шаҳарлар: Амстердам, Art Basel Miami, Берлин, Мехико Кремний тепаликлари, Мелбурн

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида хорижий капитал оқимини таъминлашда эркин иқтисодий зоналар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу мамлакатда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, валюта тушумини таъминлаш, миллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш, аҳоли фаровонлиги ва бошқа ижобий натижаларга эришиш учун рағбатлантириш омили орқали таъминлаб борилмоқда.

Бироқ, ҳозирги кунда жаҳондаги турли инқирозлар, бозорда товарларга бўлган талабни кескин салбий томонга ўзгараётганлиги, ривожланган мамлакатлар пул кредит тизимидаги ўзгаришлар, валюта бозорлардаги нобарқарорлик ва бошқа салбий ҳолатлар инвестицион хориж капитал оқимини таъминлашга салбий таъсир этмоқда.

Юқоридаги масалаларга Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М. Мирзиёев “Кўпгина инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш чўзиб юборилмоқда. Ички бозоримизнинг кўплаб товарларга бўлган эҳтиёжи 50 фоиз даражасида ҳам қондирилмаяпти. Экспорт бўйича топшириқлар барбод қилинган” [1] деб таъкидлаб ўтдилар.

Шундай бир шароитда, мавжуд ислохотлар инсон манфатларига хизмат қилиш, ижтимоий ва иқтисодий юксалтириш учун хорижий инвестицион капитал оқимини таъминлаш эркин иқтисодий зоналарни самарали фаолияти орқали амалга оширилади.

Шунинг учун, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион капитал оқимларини рақбатлантиришда мамлакатларда инвестицияларнинг шаклланганлик даражаси, эркин иқтисодий ҳудуд, унинг инвестицион жозибадорлиги, инновация, илғор инсон капитали ривожини, илмий техник тараққиёти, инвестицияларнинг самараси каби бошқа ижобий натижалар мавжуд имтиёзлар тизими, улар бўйича инфратузилмаларни ривожланганлик даражасини чуқурроқ ўрганиш унинг долзарблигини билдиради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Мазкур масалага, иқтисодчи олимларни ҳам назарий қарашлари эътироф этилган. Хусусан: Россия иқтисодчи олимларидан Т.Данко ва З.Окрут ЭИХни «қулай инвестиция муҳитини яратиш учун ҳамда ишлаб чиқаришни, савдо-сотиқни, илмий фаолиятни рақбатлантирувчи омил, механизм», деб биладилар [2].

Иқтисодий луғатларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг (ЭИХ) хорижий инвестицияларнинг кириб келишини рақбатлантиришига урғу берилган. У ерда ёзилишича: «Эркин иқтисодий ҳудуд: хориж капитали иштирокидаги фаолиятни рақбатлантирувчи, имтиёзли валюта-молиявий ва анчайин қулай солиқ режимларига эга бўлган ҳудуддир» [3].

Лекин, ҳозирги кунда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий юксалишида, аҳоли фаровонлигини таъминлашда инвестиция, хорижий инвестиция, реал инвестиция, портфель инвестициялар ва бошқа интеллектуал, ноу-хау йўналишларга киритилаётган барча инвестицияларнинг мақсадли жойлаштириш ва унинг самарали фаолияти етарли таъминланмаётганлиги давлат даражасига кўтарилиб, мазкур масалаларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда, дунё мамлакатлари ўртасидаги инвестицион оқимларнинг мавжуд ҳолатларни кўриб чиқадиган бўлсак, жаҳоннинг Knight Frank консалтинг компаниясининг «Бойлик тўғрисидаги ҳисоботи»да 2017 йилда қайси шаҳарларга шахсий инвестициялар киритиш маъқуллиги борасида фикрлар билдирилди. Асосий мезонлар сифатида таълим тизими, турмуш тарзи, инфраструктура, технологиялар ва кўчмас мулк кўриб чиқилди. Ушбу рейтинг Форбес саҳифаларида кенгроқ баён қилинган. Худди шундай шаҳарлардан: 2015 йилда Амстердам ситие тадқиқотида жаҳоннинг беш энг инновацион шаҳарлари рўйхатига киритилган эди. Маҳаллий хайтекнинг асосий иштирокчилари орасида Uber, Netflix ва Tesla'ning Европадаги штаб-квартиралари бор. Шунингдек, Нидерландиянинг капитализацияси 1 миллиард доллардан ошадиган илк компанияси, Facebook, Spotify, AirBnB, Uber ва Tesla миждозларига хизмат кўрсатувчи Ayden тўлов бўйича янги инновацион бизнес лойиҳалар(startup)и ҳам шу ерда жойлашган. Бундан ташқари, Амстердам

анъанавий тарзда яшаш учун қулай шаҳар ҳисобланиб, ривожланган инфраструктурага эгадир.

Иккинчи шаҳар, Флорида штатининг энг машҳур шаҳри қуёшли пляжлари, туристлар оқими ва бойларнинг шинам қароргоҳлари билан машҳур. Айти пайтда бу ерда технологик аспект жадал суръатлар билан ривожлантирилмоқда. 2014 йилда бу ерга Microsoftнинг инновацион маркази кўчиб ўтди. Art Basel Miamiнинг очилиши билан шаҳарда кўплаб янги кварталлар, ресторанлар ва галереялар пайдо бўлди. Майами университетининг бизнес мактаби ва юридик факультети рейтингларда борган сайин юқориламоқда.

Учинчи шаҳар, Ҳиндистоннинг юқори технологиялашган(хайтек) ва янги лойихалар(startuplar) пойтахтига секин-аста трансмиллий корпорациялар — Uber, Airbus, Visa ва бошқалар ўрнашмоқда. Бангалор қароргоҳи жойлашган маҳаллий гигантлар сирасига Flipkart, InMobil ва MuSigma киради. Бундан ташқари, шаҳарда кўплаб йирик тадқиқот марказлари, жумладан, Ҳиндистон илмий институти жойлашган.

Тўртинчи шаҳар, Берлинда ҳар йили 40 мингдан ортиқ янги инновацион бизнес лойихалар (startup) очилади, яшаш нархи эса Германиядаги энг паст кўрсаткичлардан бирини ташкил этади. 2014 йилда бу ерга 174 минг киши кўчиб ўтди, уларнинг ярмидан кўпроғи чет элликлардир. Хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасининг ривожини туфайли шаҳар иқтисодиёти Германиядаги энг яхши натижалардан бирини қайд этмоқда.

Бешинчи шаҳар, автомобиль саноати, телекоммуникациялар, логистика ва чакана (riteyl) хизматларни ривожини туфайли Мехико пойтахти катта миқдорда инвестициялар жалб қилишда давом этмоқда. 2000 йилдан буён офислар бозори 200 фоизга ошди — Мехикода 170 та янги бино пайдо бўлди. Айти пайтда аэропорт реконструкциясига маблағ йўналтирилмоқда, 2020 йиллар бошида унинг ўтказиш имконияти йилига 50 миллион йўловчи ва 550 минг рейсни ташкил этиши кутилмоқда.

Олтинчи шаҳар, Техас штати пойтахтини баъзан Кремний тепаликлари деб аташади. Охирги йилларда Остинда давлат маблағлари улуши катта иқтисодиётдан технологик етакчига айланди. Бу ерда Apple, Cisco Systems, Dell, HP, Facebook ва Google ўрнашди. Шаҳар аҳолиси кунига 150 кишига кўпаймоқда. Техас университети ва бошқа олийгоҳлар шаҳарга билимли ва савияли ёшларни жалб қилмоқда.

Еттинчи шаҳар, 2036 йилга келиб Мелбурн аҳоли сони бўйича Австралиянинг энг йирик шаҳри – Сидней дан ўзиб кетиши кутилмоқда. Economist Intelligence Unit рейтингидан Мелбурн яшаш учун қулай шаҳарлар орасида биринчи ўринни эгаллаб турибди. Офис бозори аллақачон Сиднейдагидан ўтиб кетган, шаҳарнинг марказий қисмида ишловчилар сони охирги 10 йилда 24 фоизга ўсган [4].

Шунингдек, тижорий кўчмас мулкка инвестиция киритиш учун энг жозибадор шаҳарлар, қаторига ўтган йили тижорий кўчмас мулкка киритилган инвестиция ҳажмининг йириклиги бўйича юқори 100 та шаҳарлар рўйхатида биринчи Нью-Йорк шаҳри эгаллади. “Айнан шу шаҳар дунё капиталининг энг катта улуши – 50 млрд. АҚШ долларини жалб қилди”.

2-ўринни Европанинг энг катта молиявий маркази Лондон шаҳри эгаллади. Шаҳарнинг тижорий кўчмас мулкига 38 млрд. АҚШ доллари киритилган бўлиб, бу маблағлардан 10 фоизи кўп функционал мажмуани сотиб олиш бўйича энг йирик келишув бўлди.

3-ўринни Американинг Лос-Анжелес шаҳри эгаллади, бу ерга 22 млрд. АҚШ доллари инвестиция қилинган. Москва шаҳри ушбу рўйхатдан 18-ўринни эгаллаб, унинг тижорий кўчмас мулкига 2 млрд доллар инвестиция киритилган [5].

1 жадвал

Мамлакатимизда асосий капиталга киритилган инвестиция ва хорижий инвестициялар динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2013 йил	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2016 йилни 2013 йилга нисбати(%да)
1	Мамлакатдаги ишлаб чиқарилган ЯИМ (номинали бўйича (трлн. сўм))	119,0	144,9	171,4	199,3	167,5
2	Асосий капиталга киритилган инвестициялар (млрд. АҚШ долл)	13,0	14,6	15,8	16,6	127,7
3	Шундан; хорижий инвестициялар (млрд. АҚШ долл)	3,0	3,0	3,3	2,6	0,86

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жадвал маълумотларига асосан, мамлакатимизда ЯИМ мос муддатларда 167,5%ни, асосий капиталга киритилган инвестициялар эса 127,7%га ўсиш кузатилган. Лекин, мамлакатимизга киритилган хорижий инвестициялар эса мос даврларда 13,3%га пасайиш кузатилган. Демак, мамлакатимиздаги инвестицион муҳит бевосита салбий эканлигини гувоҳи бўламиз.

Мамлакатимизда, хорижий инвестицияларнинг кириб келишини таъминлашнинг асосий самарали омили ҳисобланган эркин иқтисодий ҳудудларни кенгроқ ривожлантириш, инвестицион жозибадорлик ҳолатларини таҳлил қиламиз. Бундай ижобий кўрсаткичларни мавжудлиги келгусида инвестицион капитал оқимларини объектив ҳаракатини таъминлаш учун муҳим баҳо ҳисобланади.

Маълумки, ICOR (Incremental Capital Output Ratio) коэффиценти ўтган йилги ялпи инвестицияларни (ЯИМга нисбатан фоизда) жорий йилдаги ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбати билан аниқланади. Ушбу кўрсаткич орқали ривожланган давлатларда амалга оширилган инвестицияларни давлатнинг иқтисодий ривожланишига таъсири баҳоланиб борилади.

Шу мақсадда фойдаланиладиган ИСОП (incremental capital-output ratio) коэффиценти асосий капиталга қўйилган маблағларнинг келгуси йилда ЯИМнинг ўсишига таъсирини аниқлашга имкон беради ва ЯИМда инвестициялар салмоғининг кейинги йилдаги ЯИМнинг кўшимча ўсиш

суръатига нисбатини ифодалайди.

Таҳлил этилаётган даврда, мамлакатимизда ЯИМнинг капитал сиғимкорлигини акс эттирувчи ИСОР самарадорлиги кўрсаткичи 2009 йилда 3,08 ни ташкил этди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 2,4 га тенг [6]. 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 2,9 ни ташкил қилган. Демак, мамлакатимиздаги мазкур кўрсаткични ортиши салбий эканлигини билдиради ёки мамлакатимиздаги инвестицион муҳитнинг ҳолати ҳам салбий деб баҳоланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилмоқчимиз. Шу кунда, мамлакатимизда жами бўлиб 14 та эркин иқтисодий зона ва 96 та кичик саноат зоналари фаолият юритмоқда. «Навой», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Кўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион АҚШ долларига тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4,6 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган.

Бироқ, 2017 йил 9 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлиliga бағишланган йиғилиш” да “...тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини танқид қилиб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустлигини таъкидладилар. Шунинг билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётига эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш орқали хорижий инвесторларни жалб қилиш вазифаси етарлича таъминланмаётганлигини” эътироф этиб ўтдилар.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлилларга асосан, эркин иқтисодий зоналарни жадал суръатларда ривожига мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ташкил этишдаги ижро интизомларини пастлиги, инфратузилмани шакллантиришдаги сусткашликлар, тадбиркорларда ташаббуснинг етишмаслиги, асосан мазкур жараёнга хорижий инвесторларни жалб қилиш билан боғлиқ шарт шароитларни етишмаслиги етарлича ижобий таъсир этмаяпти. Бунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарининг дирекциялар ва эркин иқтисодий зоналар Маъмурий кенгашига зиммаларига юклатилган долзарб вазифалар(мамлакатда инновацион ишлаб чиқаришни ривожлантириш)ни амалга оширишдек муҳим устувор йўналишларга эътибор берилмаётганлиги, бу соҳа масъул ходимларида изчиллик етишмаётганлиги аниқланди.

Шунинг учун, ҳозирги кунда эркин иқтисодий зоналарни фаолиятини мамлакатимиздаги ўрнини янада ошириш мақсадида юқоридаги салбий ҳолатларни бартараф этиш, мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш, ҳозирги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш учун амалдаги қонунчиликда ЭИЗлар иштирокчиларига қўшимча тарзда божхона тўловларидан имтиёз ва преференциялар бериш тизими такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4853-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги “Тошкент шаҳри Яшнобод туманида инновацион технопаркни ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5068-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Корея Республикаси Хукуматининг беғараз ёрдамни жалб қилган ҳолда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошида Ўқув-амалий тўқимачилик технопаркни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2759-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги “Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПҚ-2860-сонли қарори ва бошқа қонуности ҳужжатлар орқали қўшимча имтиёзлар тизими кенг жорий этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 августдаги “Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3175-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, қарорда ўтган давр мобайнида мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар фаолияти таҳлил қилинганлиги, натижада камчиликлар аниқланганлиги таъкидланиб, зоналарни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилнинг ўтган 9 оyi давомида ЭИЗлар иштирокчиларига божхона тўловларидан жами 260,9 млрд. (2016 йилнинг 9 ойида 30,9 млрд.) сўм имтиёзлар қўлланилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 8,4 баробарга ошган.

Шунингдек, мамлакатимизда технопарклар ва кичик саноат зоналарини ташкил этишга ҳам катта эътибор қаратилаётган бўлиб, жорий йилнинг ўзида бу соҳада бир қатор янги қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Бундай зоналар иштирокчилари, чет эл инвесторларга бир қатор имтиёзлар, шу жумладан божхона тўловлари бўйича имтиёзлар жорий этилган.

Юқоридаги таҳлил хулосаларига асосланиб, камчиликларни бартараф этиш ёки эркин иқтисодий зоналарни мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини янада ошириш учун қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Давлатнинг бирламчи аниқ мақсад(мамлакатда валюта тушумини, иқтисодиётни етакчи тармоқларини асосий фондларини янгиланиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш ва бошқалар)ни амалга ошириш мақсадида эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш тизимини зудлик билан шакллантириш лозим.

2. Эркин иқтисодий зоналар бўйича аниқ дастурий лойиҳалар ёки шу ҳудудларнинг барча инвестицион салоҳияти даражасидан келиб чиқиб аниқ янги, ихтироларга, илмий янги ғояларга асосланган таклиф этилаётган лойиҳалар рўйхатини шакллантириш тизимини жорий этиш лозим. Бунда, илмий-текшириш ва илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини

шакллантириш ва ривожлантириш лозим.

3. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдаги давлат томонидан ўрнатилган бош аниқ устувор (валюта тушумини таъминлаш, иқтисодий модернизациялашда хорижий инвестициялар ва инвесторларни жалб қилиш ва бошқалар) йўналишларни аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бунда; ЭИЗ лардги лойиҳаларни қуриш учун давлат томонидан белгиланган аниқ устувор йўналишларни бажарилиши бўйича давлат мониторингини ташкил этиш лозим.

4. Тадбиркорларни аниқ изланувчанлик иқтидорларини шакллантириш (ихтиро, илмий ғоя, тадқиқот ишлари, тадқиқот институтлари, олим ва ихтирочиларни рағбатлантириш ва бошқалар) жараёнларни тезлаштириш лозим. Чунки мазкур ҳолатларни етарли таъминланиши мисол учун, биринчи жараёнларнинг жадал ривожини эркин ҳудудларни бошқа шаклларни тезроқ суратларда ривожланишига туртки беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sh.M. Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo’lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo’ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo’nalishlariga bag’ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma’ruza, 2017 yil 14 yanvar / Sh.M. Mirziyoyev. – T.: O’zbekiston, 2017. – 104 b..

2. Данько Т.П.,. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. – М.: «ИНФРА-М», 1998. – С. 31.

3. Краткий внешнеэкономический словарь-справочник. Под редакцией В.И.Рыбалкин. – М.: «Международные отношения», 1991. – С.82.

4. Knight Frank консалтинг компанияси маълумотлари.

5. Cushman & Wakefield компания маълумотлари.

6. Vahabov A.V., Xajibakiev Sh.X., Muminov N.G. Xorijiy investitsiyalar. O’quv qo’llanma. – T.: «Moliya», 2010. – B. 170.